

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 12 июль • сешанба № 27 (1023)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz

Мустақиллик моҳияти

Бугун барча бойликларимиз

ўзимизники, халқимизники...

ГўЗАЛ ва бетакрор юртимиз улут тўй таррадуида. Тинчлик ва бунёдкорлик, бахтиёрлик ва шукроналик халқимизга қаноат. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ифтихор билан "Қим эдиғу қим бўлдиқ", деган сўзларини дилдан такрорлаймиз. Қувонарлиси, сўнгги йигирма беш йиллик ҳаётимиз бахту саодатга тўлиқ йиллар бўлди. Халқимизга энг олий бахтни, ўтаётган ҳар кунидан шукроналик ҳиссини туйиб яшаш саодатини Мустақиллик берди. Бу буюк неъмат эртаимизнинг бугунимиздан яхшироқ бўлишига ҳам кенг йўл очди. Юртбошимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори қалбларимизга байрам шукҳини жойлади. Чиндан ҳам, халқимиз эртасини, манфаатини кўлаб, танланган тўғри йўл мамлакатимизнинг тарихан қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз сўзини топишига имкон яратди. Бугун юртимиз нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, кўплаб мамлакатлар Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида эътироф этмоқда.



Адлия аралашгач...

Ҳеч бир мурожаат

беэтибор қолмайди

ИСТИҚЛОЛ йилларида жамиятда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишида адлия органларининг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, Жиззах вилоят адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, Жиззах шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Турсунбоевнинг вилоят адлия бошқармасига Сувоқова ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан мурожаатига жавоб берилмаётганлиги буйича ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди ва текшириш натижаси буйича Сувоқова ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ш.Алижонов ва ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Б.Рахмонбердиевларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, судга юборилди. Жиноят ишлари буйича Жиззах шаҳар судининг ҳал қилув қарорига асосан Ш.Алижонов ва Б.Рахмонбердиевлар жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, Жиззах туманида истиқомат қилувчи фуқаро С.Сапарованинг ҳам бошқармага ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаси буйича бошқарма томонидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах туман бўлими томонидан фуқаро С.Сапаровага 2012 йил 1 декабрдан 2013 йил 31 июлгача 1126035,12 сўм ногиронлик пенсияси шу кунга қадар тўлаб берилмаганлиги аниқланди ҳамда бўлим томонидан 1126035,12 сўм ногиронлик пен-

сиясини қисқа муддат ичида тўлаб берилишини назорат қилиш тўғрисида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Жиззах вилоят бошқармасига тақдимнома киритилиб, тақдимномага асосан фуқаро С.Сапаровага 1126035,12 сўм ногиронлик пенсияси тўлаб берилди.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида яшовчи фуқаро Ф.Бойсинованинг Жиззах шаҳридаги 27-сонли умумтаълим мактаби томонидан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа пули берилмаётганлиги тўғрисида бошқармага ёзган мурожаати буйича қонун ҳужжатлари бузилишини, уларнинг сабабларини ҳамда бунга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда фуқарога тўлаб берилмаган 4 968 806 сўм ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа пулини қонунчиликда белгиланган тартибда тўла-нишини таъминлаш юзасидан Жиззах вилоят Халқ таълими бошқармасига тақдимнома киритилди.

Тақдимнома натижасида вилоят Халқ таълими бошқармасининг 2016 йил 2 февралдаги буйруғи билан Жиззах шаҳар 27-сонли умумтаълим мактаби директори Б.Исроиловага нисбатан ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридида жарима тарзидаги интизомий жазо берилди ҳамда фуқаро Ф.Бойсиновага 4 968 806 сўм ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа пули тўлаб берилди.

Аъзам БАЙБЕКОВ,

Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Кузатув

Судья судловиға оид уч муҳим халқаро ҳужжат

ХАЛҚАРО ҳуқуқ қонунчилиғига назар ташла-
сак, судья, адвокат, терговчи, журналист ёки
шифокор бўладими, барча касб эгаларининг
соҳаси бўйича, ҳатто давлат хизматчилиги сифати-
да иш вақтида ва иш вақтидан ташқари нима-
ларга амал қилиши зарурлиги, касб этикаси
ҳақида устувор қоидалар қабул қилинган.

Бошқача айтганда, адвокат қандай бўлиши ке-
раклиги, вояга етмаган шахслар ҳуқуқлари қан-
дай тартибда ҳимоя қилиниши лозимлиги, уш-
лаб турилган шахсга нималарни тушунтириш ке-
раклиги, судья ёки журналистнинг ҳолислиги ва
мустақиллиги қандай таъминланишига оид асо-
сий мезон ва қоидалар халқаро ҳуқуқда аллақа-
чон белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу хал-
қаро стандартлар давлатлар қонунчилиғида ўз
ифодасини топган.

Масалан, одил судловга оид халқаро стандарт-
лар халқаро ҳуқуқда "Миранда қоида", "Бангалор
принциплари", "Судьялар мавқеи тўғрисида
Европа Хартияси", "Инсон ҳуқуқлари бўйича хал-
қаро бил", "Милан қоидалари", "Ювенал юсти-
ция", "Каракас декларацияси", "Пекин қоидала-
ри", "Ар-Риёд принциплари", "Бангкок деклара-
цияси", "Вена декларацияси", "Инсонийлик ме-
зонлари", деб ўзига хос тарзда номланиб, улар-
нинг барчаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро
ҳуқуқнинг асосини ташкил этади ва судлар фао-
лиятда муҳим ўрин тутadi.

Гап инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқда
умумэтироф этилган судлар фаолияти билан бе-
восита боғлиқ халқаро шартномалар ҳақида бо-
раркан, бу борада қуйидаги 3 та муҳим халқаро
ҳужжатни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Биринчи халқаро ҳужжат БМТнинг асосий
шартномаларидан бири Фуқаролик ва сиёсий
ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва унга 2 та
қўшимча протоколдир.

Иккинчи халқаро ҳужжат "Суд органлари мус-
тақиллиғига оид асосий принциплар тўғрисида"-
ги Резолюция ҳисобланади.

Учинчи халқаро ҳужжат Судьяларнинг хулқ-
атворига оид Бангалор принципларидир.

Авалло шуни айтиш керакки, 167 та давлат аъзо
"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги хал-
қаро Пакт БМТ томонидан ҳозирги кунга қадар
қабул қилинган 9 та асосий шартномалардан би-
ридир. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур хал-
қаро ҳужжатлар ҳақида сўз юритганда, ҳеч қачон
"шартнома", деб эмас, ҳамма вақт "асосий шарт-
нома", деб гапиришимиз зарур. Чунки халқаро
ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари бўйича юзлаб шартнома-
лар қабул қилинган, лекин асосий шартнома 9 та.

Бундан ташқари, мазкур халқаро ҳужжат ҳозир-
ги замон инсон ҳуқуқлари тарихида ўзининг
аҳамияти ва муҳимлиги билан Инсон ҳуқуқлари
умумжаҳон декларациясидаги нормалар ижроси-
ни таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида
давлатларнинг сўзсиз ҳисобдорлиги ва жавоб-
гарлигини белгилаб берган ягона бош шартно-
мадир.

Шу маънода, давлат ичида Конституция қан-
дай устувор юридик кучга эга бўлса, Фуқаролик
ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ҳам
халқаро ҳужжатлар иерархиясида шундай олий
юридик макомга эга бўлган фундаментал халқаро
шартнома ҳисобланади.

"Суд органларининг мустақиллиғига оид асо-
сий принциплар тўғрисида"ги Резолюция ҳам хал-
қаро ҳуқуқда судлар фаолияти бўйича қабул қилин-
ган махсус халқаро ҳужжатлардан биридир. Ай-
тиш жоизки, суд ҳокимияти мустақиллиги ва хо-
лислигини таъминлаш билан боғлиқ нормалар
кўплаб халқаро ҳужжатларда у ёки бу тарзда бел-
гиланган. Аммо ушбу Резолюция бугунги кунда
суд ва судьяларнинг мустақиллиги қандай таъ-
минланиши керак деган саволга атрофлича жа-
воб берган ягона халқаро ҳужжат ҳисобланиб, хал-
қаро ҳуқуқ қонунчилиғида ҳозирча бундан бошқа
халқаро шартнома йўқ.

Ушбу шартномага Ўзбекистон 1997 йил 30 август-
да қўшилиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва
холислигини таъминлашга қаратилган Резолюция-
даги асосий нормалар Конституция ва "Судлар
тўғрисида"ги Қонунда ўз ифодаси топган.

"Судьяларнинг хулқ-атворига оид" Бангалор
принциплари жаҳон суд-ҳуқуқ соҳасида XXI асрда
қабул қилинган энг асосий, судьянинг судья сиф-
атида ҳуқуқ ва мажбуриятларини, умумэтироф
этилган касб этикаси қоидаларини, профессио-
нал фаолиятда ишда ва ишдан ташқари вақтда
нималарга амал қилишига оид минимал стандарт
қоидаларини белгилаб берган ягона халқаро ҳуж-
жатдир.

Бангалор принципларида судьялар фаолияти
ва хулқ-атворига оид қуйидаги 6 та муҳим қоида
белгиланган. Булар мустақиллик, объективлик,
ҳалоллик, касб этикаси қоидаларига риоя этиш,
суд мажлисининг барча иштирокчиларига нисба-
тан тенг муомалада бўлиш, компетентлик ва ин-
тилувчанликдир.

Бангалор принципларида мувофиқ судья учун
одил судловни амалга ошириш борасидаги фао-
лият бошқа мажбуриятларга нисбатан устувор
бўлиб, ўз вазифаларини юқори профессионал да-
ражада одилона, тезкор ва виждонан бажариши
шарт.

Умуман айтганда, мазкур халқаро ҳужжатлар жа-
ҳон мамлакатлари суд-ҳуқуқ ислохотлари ривожига
катта ҳисса қўшиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя
қилишда суд ва судьяларнинг мустақиллигини таъ-
минлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусан ТУРСУНОВ,

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими, юридик фанлар номзоди



"INSON VA QONUN"
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна нарxi — 137.
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
Тел/факс: 268-19-97



"HUQUQ VA BURCH"
иқтисодий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна нарxi — 902.
e-mail: info@huquqburch.uz
Тел/факс: 268-27-35



"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳокимияти тўғрисида"
ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна нарxi — 940.
e-mail: info@adolatnashr.uz
Тел/факс: 268-26-45




"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида"
расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна нарxi — 916.
e-mail: info@adolatnashr.uz
Тел/факс: 268-26-45



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали
Сиз фамиялгига оид батафсил
маълумотлар билан танишингиз мумкин.

Ўзимизники, халқимизники...



Бугун маъданли конларда ишлаётган ишчи замонвий шароитда ишлайпти. Чет эллик шериклар билан ўзаро алоқалар ўрнатилиб, ушбу тизимда алоҳида ютуқларга эришляпти. Энг муҳими, кончилар мамлакатимиз раҳбарининг эътибори ва улуғсиз ғамхўрлигини доим ҳис этиб турибди.

тизими ҳали бирор мамлакатда мавжуд эмас.

Ўзбекистон ёшлари бугун дунё билан беллашмоқда. Бир пайтлар тасаввуримизга ҳам сифмаган, бугунги ёшлар янгидан барпо этилган ёки замонавий услубда қайта реконструкция қилинган олий ўқув юрталарда, лицей ва коллежларда тахсил олишгаёта-

Факультетда "Қўмир ва қатлам-ли қонлар геотехнологияси" кафедраси ташкил этилди. Шведиянинг "Candvik Koromant" ва "Atlas Kopco" компанияларининг ўзбекистондаги ваколатхоналари ташаббуси билан қончилик электромеханикаси ўқув ва лаборатория хоналари жиҳозланди. Халқаро стандартларга мос жиҳозланган аудиторияларда та-

Ўзбекистон бугун ҳар жабҳада дунё билан тенгшасмоқда, улкан имкониятлар мамлакат қанлигини ҳар қадамда исботламоқда. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида улугвор ва улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бугунги ёруғ, нурафшон кунлар шуқуши "Ўзгал ва бетакордоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори нафақат тилимизда, балки дилимизда ҳам акс-садо бермоқда...

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва конун” мухбири

Тупроғи олтинға қиёс диёр

A black and white photograph of a smiling woman in traditional Central Asian attire, holding a large, ornate bowl filled with flatbread. She is standing in a field of wheat under a cloudy sky.

Мазкур қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши билан табиқ этилиши, ҳар бир бюджетнинг қарийб 60 фоизи маъмуриятнинг молиялаштиришга сарфлангани, ижтимоий соҳани ривожлантириш, таълим, соғлом ҳаёт шартлоҳотларни босқичма-босқич, тизимли равишда изчил олиб борилиши натижасидан ҳар бир давлатда ижтимоий барқарорлик сақланиши билан бир қаторда, ҳар

ни ижтимоий
ап кетар экан,
унчилиас асос-
ътибор кара-
ни Республика-
хияма қилиш
Бундан таш-

Мухтасар қилинган йилларида босиб чиққан, амалга оширилган марраларимизни, вомидати ислохотларни бераётганига гувоҳлик қилган халқларимизни одилонга даъват қилган, Мустақилликка, Ҳаққни қотди ва уни асраб қолдирилган пайдо қилди.

машхурлиги билан тан олин-
устақилликнинг илк йиллари-
ий сиёсат юргизиш масаласи
мизнинг ўзига хос йўлида му-
олди ва бугун наҳаёт ижобий
да келтирилган ҳаётий мисол-
ибмиз.

айтганда, Мустақил тараққиёт
ўтган, осон кечмаган йўлимиз-
ни ишларимизни, эришган ютуқ-
ни сарҳисоб қилсак, 25 йил да-
влар ўзининг буюк натижасини
қўл бўламин. Энг асосийси, бу
қўл, ижтимоий ҳимояга қаратил-
лат сиёсати, одамлар қалбида
тиқдололға чексиз муҳаббат уй-
иб-авайлаш йўлида қучли шахд

Шухрат МАМАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

Маънавиятимиз сарчашмалари

Жамият равнақи

инсоннинг ахлоқий-маънавий камолотига боғлиқ

ҲОЗИРГИ кунда барчамизга маълумки, дунёда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви икки йўналишда кучаймоқда. Биринчи йўналиш, инсоният цивилизацияси тарихида эришилган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари байналмилаллашиб, универсаллашиб бораётганлигида кўринса, иккинчи йўналишда, ҳалқлар терроризм, наркоагрессия ва диний экстремизм ғояларининг тарқалишида кўрамиз. Бу каби масалалар, муаммолар ҳақида қадимда, кейинчалик Шарқ уйғониш даврида мутафаккирларимиз, алломуларимиз асарларида ҳам таҳлил этилганлиги диққатини тортади. Жумладан, давлатчилик тарихимизга назор ташласак, асрлар давомида диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, сабр-қаноат каби халқимизнинг маънавий ва маърифий қадриятлари тасаввуф — сўфийлик таълимотида VIII асрнинг ўрталари IX асрнинг бошларида шаклланган ва ундан кейин ҳам кенг ривож топиб, ҳалқ орасида тарқалган.

Жумладан, Яссавий эл орасида катта обрў орттириб, авлиё деб улуғланган. "Мадинада — Муҳаммад, Туркистонда — Аҳмад", деган овозлар тарқалган. Аҳмад Яссавий ислом аҳомлиларини туркий халқлар орасида ёйиштиришга катта ҳисса қўшди. У ўз ҳикматларида поклик, ҳалоллик, ёлғондан сақланиш, киши молига хиёнат қилмаслик, тўғрилиқ каби инсоний фазилатлар ҳақида кўйлади. У туркий тасаввуф адабиётида ўзига хос мактабга асос солиди. Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар" шеърый тўпламида инсоний ғоялар, ахлоқий панд-насихатлар, ислом дини ақидалари ва ҳадисларда илгари сурилган маънавий-маърифий фикрлар содда услуб билан, халқона раван тилда баён қилинган. Яссавий инсон ҳаётидаги катта кураш — нафс эҳтиёжларини тасвир этиш йўлидаги кураш деб ҳисоблайди. Нафс инсон учун катта ёв, душман дейди. Шу ёвнинг бошини янган, уни етган, нафс эҳтиёжларига таслим бўлмаган кишининг ғурури, инсоний кадр-қимматини ҳеч ким поймол қила олмайдиган, деб билган.

Бу ҳақда ўз ҳикматларидан бирида шундай ёзади: **Нафс йўлига кирган киши расво бўлур, йўлдан озиб, тойиб, тўзиб ғумроҳ бўлур. Ётса-турса шайтон билан ҳамроҳ бўлур... Нафсини тебгил, нафсини тебгил эй бад кирдор,** — деб хитоб қилади.

Бугунги кунга тааллуқли бўлган масалалар ҳусусида Аҳмад Яссавий нодонлиқни кескин танқид этган. Нодонлик шунчаки лоқайдлик, бефарқлик, илмсизлик, жоҳилликка эмас, балки беборлик, илмга амал қилмасликдир.

Демак, Яссавий "Ҳикматлар"ида инсонга хос бўлган барча ижобий хислатлар улуғланган, салбий иллатлар қораланган, меҳр-муруват, садоқат, адолат эса тарғиб этилган. Ана шундай тасаввуфнинг машҳур шайхларидан бири Наҳмиддин Кубро ёшлигиданок ҳадис ва қаломни ўрганади. Илм истаб Миср, Шом, Бағдод, Нишопур ва Тус каби шаҳарларга боради. Уша даврнинг буюк шайх ва олимлари: Бобо Фараж, Исмоил Қасрий, Аммоир Ёсир, Рўзбехон Мисрий ва бошқалардан зоҳирий ва ботиний илмларни ўрганган. Ўз юртига қайтгач, хонақоҳ очиб, валийлик — устозлик қилган.

Босқинчи Чингизхон лашкарлари 1221 йилда Хоразмга яқинлашиб юрт оғир аҳволда қолганида 76 ёшли Кубро она юртини ҳимоя қилишга отланади ва мўғуллар қўлида қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Ай-тишларича, ўлими олдиндан ялов ушлаган бир мўғул аскарига ташланиб, уни мақкам ушлаган. Ўлимидан сўнг яловни унинг қўлидан қирқибгина ола олмаган.

Наҳмиддин Кубронинг бу жасорати авлодлар учун, ватанпарварликнинг ёрқин тимолидир. Наҳмиддин Кубро тарикатининг ўзига хос хусусияти унинг дунёқарашида ифодасини топган. Шайх Кубро одамзот умрининг, дунёнинг моҳиятини ҳам тасаввуф нуқтаи назаридан туриб изоҳлайди. Бу ҳақда шундай деган: "Дунё — ўйлаш ўрни, ибрат манзили, ишрат саройи, кўприк биносидир. У муҳимларнинг экинзори, қидирувчиларнинг бозори, интилувчиларнинг савдо дўкони, изланувчиларнинг улоғи, сулуқ йўлига кирганлар-

нинг кўприги, алдаганларнинг машҳураки, содиқларнинг ўтар жойи, орифларнинг ахлатхонаси ва шайтонларнинг ўлкасидир... Унинг билан савдо қилганлар алданади, унга кўнгил берган йўлдан озади..."

Нақшбандийлик тариқатининг буюк намоёнаси Баҳроуддин Нақшбанд бўлиб, (1318-1389) эл орасида Хожа Баҳроуддин Балғардон, Хўжа Бузрук, Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур. Бухорода Қасри Хиндвон қишлоғида туғилган. Баҳроуддин Нақшбанд Бобойи Самосий, Амир Сайид Кулол, Мавлоно Ориф, Халил ота, Қусам Шайх каби устозлардан сабоқ олган. У икки марта ҳаж қилган. Ғарибона ҳаёт кечирган, фақат ўз меҳнати орқали деҳқончилик ва кейинроқ мис ва қимҳоба нақш солиш билан кун кўрган.

Нақшбанд доимо адолатни, меҳнат асосида бунёд этилган ҳалол лўқмани маъқуллаган. Бу жиҳатдан унинг "инсондаги яхши феъллар, яхши амаллар ҳалол лўқмондандир" сўзлари биз учун ибратдир.

Хўл асрга келиб, нафақат муслимон оламида, балки АҚШ, Германия, Россия, Австралия, Литва каби мамлакатларда ҳам бу тариқатга илоҳомандлар кўпайди. "Нақшбандийлик тасаввуфни ҳаётийлаштирган таълимотдир, — дейди Покистондаги нақшбандия тариқати Жаҳон маркази раиси Зулфикор Аҳмад. — Ушбу тариқат дарахти ҳали бутун оламни тутайди, чунки унда кишилик тафаккурининг энг амалий ва оқилона ҳолоси мўжассам".

Ҳозирги кунда дунёда инсонга ва қалби учун турли мафкуравий концепциялар кураш олиб бормоқда. Жумладан, минтақавий жоғалар, диний экстремизм ва фундаментализм, коррупция ва хиноятчилик, шунингдек, ёшларимиз онига салбий таъсир этаятган "оммавий маданият"нинг турли хил ҳужурқилдир.

Бундай таҳдидларга қарши курашда мустақиллик йилларида республикамизда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган тўб ўзгаришлар, халқимизнинг кўп асрлик миллий аънава ва қадриятларининг тикланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги тарғибот ва давра суҳбатларининг пировардида одамларнинг онги ва тафаккурига салбий таъсир ўтказиб, уларни ўз йўлига соломқчи бўлган гаразли кучларнинг асл мақсад-муддаоси, бундай тоифалардан ҳамиша оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан эканлиги таъкидланмоқда. Минг афсуски, ҳозирги глобаллашув замонасида диний экстремизм ва терроризм бутунжаҳон миқёсида ўта хавфли кучга айланимоқда. Унинг янгидаган-янгича кўринишлари пайдо бўлмоқда. Диний экстремизм ва террорчи таъкилотлар ўзларининг гаразли мақсадларидан келиб чиқиб, ислом таълимотининг мазмун-моҳиятини тамомила ўзгартириб, ўзларича талқин қилиб, одамларни тўғри йўлдан адаштиришга уринмоқда.

Гаразли мақсадларни кўзлаган бундай кучларга қарши курашишда биз учун маънавий — кўп асрлик қадриятларимиз асосий қурол воситасини ўтайди. Зеро, жамиятнинг етуқлиги, раънақи ҳар бир инсоннинг ахлоқий-маънавий камолотига бевосита боғлиқ.

Феруза ФАХРИДИНОВА,
юридик манлалар доктори

Бўйруқ тартибида иш юритиш

хориж ва миллий тажриба

МУСТАҚИЛЛИК туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи суд ҳокимияти шакллантирилди. Ҳозирги кунда суддорини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони одил судловнинг сифати янада яхшиланишида муҳим омили бўлди. Мазкур Фармон асосида судлар ихтисослаштирилди, яъни умумий юрисдикция судлари негизда хижоят ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу уларнинг ишларни малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича иш фаолияти самардорлигини оширди.

Мамлакатимизда фуқаролик иш юритувини соддалаштириш мақсадида 2003 йил 12 декабрдан бўйруқ тартибида иш юритиш институти жорий этилди. Бу билан жисмоний ва юридик шахсларга катта қулайлик яратилди. Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасида белгиланган талаблар бўйича судья суд бўйруғини чиқариш ваколатига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча оворатгарчиликсиз тартибга солиш имкониятини яратди.

Статистик маълумотларга кўра, судлар томонидан чиқарилган суд бўйруқларининг асосий қисmini коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш билан боғлиқ ишлар ташкил этмоқда.

Суд бўйруғи чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун давво иш юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилмоқда. Суд амалиётида ариза берганлик учун давлат божини ундириш масаласи қарздорга юкланмоқда, чунки Солиқ кодексининг 329-моддасига асосан коммунал хизматлар бўйича қарзни ундириш билан боғлиқ ишларда давлат божи ундирилмаслиги белгиланган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасида суд бўйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юборилиши белгиланган бўлса-да, ушбу моддада бироз ноаниқлик бордек, назаримда. Жумладан, "дарҳол", деган жумла қанча муддат назарда тутишини ойдинлаштириши тақозо этади.

Бўйруқ тартибида иш юритишда хорижий мамлакатлар амалиёти, хусусан, Россия Федерацияси, Қозғоғистон, Украина, Молдова ва Германия давлатларининг ўзига хос бир-биридан фаркландириган жиҳатлари кузатилади.

Жумладан, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 122-моддасига асосан, коммунал хизматлар тўлови бўйича суд бўйруғи чиқарилмас экан. Коммунал хизматлар бўйича қарзни ундириш давво тартибида кўриб чиқилади (2003 йилгача Ўзбекистонда ҳам мазкур амалиёт бўлган).

Фуқаролик процессуал кодексининг 123-моддасида суд бўйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза бўйича давво ариза учун белгиланган давлат божи ставкасининг 50 фоизи миқдорига давлат божи тўлиниши кўрсатилган.

Германия Фуқаролик процессуал кодексига асосан коммунал хизматлар бўйича суд бўйруғи чиқарилмайдиган. Суд бўйруғига кўра, кредит бўйича қарздор шахслардан пул миқдорини ундириш юзасидан чиқарилади. Бундан ташқари, суд бўйруғи чиқарилган куннинг эртасига қарздорга юборилиши белгиланган. Шунингдек, суд девокнонаси қарздорга суд бўйруғи юборирилганлиги ҳақида аризагини хабардор қилиши кўрсатилган.

Бу каби бир қатор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, 238-моддасида белгиланган коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш билан боғлиқ ишлар юзасидан суд бўйруғи чиқариш олиб ташланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бундай таклиф киритишга сабаб, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилот билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида шартнома тузилади. Ушбу шартномада тарафлар ўз мажбуриятларини вақтида бажаришини тан олади, шунингдек, агар низо қилган тақдирда уни суд орқали ҳал этилишини келишиб олишади.

Бугунги кунда, коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар қарздорни тегишли коммунал хизматидан қарзи борлиги ва уни тўлаши кераклиги ҳақида белгиланган тартибда хабардор қилмасдан, тўғридан-тўғри судга суд бўйруғини чиқариш тўғрисида ариза билан мурожаат этмоқда. Бу, ўз навбатида, судларда иш ҳажми ва иш юкламасини меъёридан ошишига олиб келмоқда.

Шу сабабли, суд бўйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун давво иш юритишда белгиланган миқдордаги суммани 50 фоизи миқдорига давлат божи ундириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасида алоқа воситаларидан фойдаланиш каби нормалар қўзда тутилмаган. Бугунги замонавий технологиялар ривожланиш даврида бу муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасида суд бўйруғи чиқарилганидан кейин унинг кўчирма нусхасини қандай тартибда юборилиши белгиланмаган. Шу боис, Фуқаролик процессуал кодексининг 238-моддасининг биринчи қисмида суд бўйруғи чиқарилган куннинг эртасидан кечиктириш судья ёки девокнона мудири унинг кўчирма нусхасини бюрорма почта орқали ёхуд ёзиб олиш хусусиятига эга бўлган алоқа воситалари ёрдамида қарздорга юборади деган жумла киритилса, айна мудоао бўларди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу масалалар чуқур таҳлил қилиниб қонунчилигимизга жорий этилса, бу бўйруқ тартибида иш юритишнинг янада такомиллаштиришга, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бундан-да самарали ҳимояланишига эришиш мумкин.

Азизбек ЯРАШЕВ,

Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази Катта консултант

Эълонлар

Армавига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 27.05.2016 йилдаги 161-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "LAWYER ZULFINUR" адвокатлик фирмасининг адвокати Махмудов Уйғун Собировичга бошқарма томонидан 23.06.2009 йилда берилган TN №001020 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 13.04.2015 йилда берилган 3292-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 03.06.2016 йилдаги 172-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ADOLAT SARI" адвокатлик фирмаси адвокати Эргашев Жаҳрали Тўғруновичга бошқарма томонидан 04.04.2014 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчига қадар бўлган давргача тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 03.06.2016 йилдаги 173-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "CODEX" адвокатлик фирмаси адвокати Собиров Абдулқодир Шайхонвичга бошқарма томонидан 04.04.2014 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчига қадар бўлган давргача тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 03.06.2016 йилдаги 174-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "ADOLAT SARI" адвокатлик фирмаси адвокати Холбаев Шерали Атакуловичга бошқарма томонидан 26.07.2010 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчига қадар бўлган давргача тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 06.06.2016 йилдаги 176-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "KARAMATOV-ADVOKATLAR" адвокатлик фирмаси адвокати Караматов Малика Аскарровнага бошқарма томонидан 30.06.2009 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчига қадар бўлган давргача тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 07.06.2016 йилдаги 179-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "S YAKUBOV VAL ADVOKATLAR" адвокатлар хайъати адвокати Дачев Сергей Викторовичга бошқарма томонидан 06.11.2015 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчига қадар бўлган давргача тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 09.06.2016 йилдаги 184-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HAQIQAT NIHOYACHILAR NARAYAT" адвокатлар хайъати адвокати Пронина Елена Васильевнага вафот этганига қадар бошқарма томонидан 03.06.2009 йилда берилган TN №000425 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрисида.

Малакка комиссиясининг 25.05.2016 йилдаги 8-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.06.2016 йилдаги 188-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан "ADVOKAT BEST LEGAL" адвокатлик фирмаси адвокати Тўйбева Абдуллоҳов Жамолхоничга бошқарма томонидан 23.01.2015 йилда берилган TN-001865 сонли адвокат мақоми олин хуқуқини берувчи лицензиянинг ва 02.02.2015 йилда берилган 3192-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Малакка комиссиясининг 25.05.2016 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.06.2016 йилдаги 188-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан "ADVOKAT ABDUSAMATOV" адвокатлик фирмаси адвокати Абдусаматов Шавак Хашимовичга бошқарма томонидан 02.07.2009 йилда берилган TN-001139 сонли адвокат мақоми олин хуқуқини берувчи лицензиянинг ва 23.04.2012 йилда берилган 2190-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Малакка комиссиясининг 25.05.2016 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.06.2016 йилдаги 188-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан "CHINTEBA ADVOKATLAR" адвокатлар хайъати адвокати Абдуллаев Хожмажор Исमतовичга бошқарма томонидан 22.12.2010 йилда берилган TN-001344 сонли адвокат мақоми олин хуқуқини берувчи лицензиянинг ва 03.01.2011 йилда берилган 1695-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Малакка комиссиясининг 25.05.2016 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.06.2016 йилдаги 188-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан "ALITER-EGO" адвокатлик фирмаси адвокати Устинова Лариса Юрьевнага бошқарма томонидан 03.06.2009 йилда берилган TS-0001499 сонли адвокат мақоми олин хуқуқини берувчи лицензиянинг ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 13.08.2009 йилда берилган 1209-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Малакка комиссиясининг 25.05.2016 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.06.2016 йилдаги 188-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан "NIMOYA NUR MEDIA" адвокатлик фирмаси адвокати Ахмедов Гайрат Махаммадовичга бошқарма томонидан 23.07.2010 йилда берилган TN-001147 сонли адвокат мақоми олин хуқуқини берувчи лицензиянинг ва 05.08.2010 йилда берилган 1566-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тўғрисида.

Малакка комиссиясининг 25.05.2016 йилдаги 5-сон қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 16.06.2016 йилдаги 188-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан "VALADISLAV" адвокатлик фирмаси адвокати Абдуллаева Ростай Абдуллаевнага бошқарма томонидан 23.06.2009 йилда берилган TN-000070 сонли адвокат мақоми олин хуқуқини берувчи лицензиянинг ва 07.03.2013 йилда берилган 2548-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми 2016 йил 26 майдан 6 июл муддатга тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 17.06.2016 йилдаги 189-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "CHILONZOR — NIHOYA" адвокатлар хайъатининг адвокати Шушупов Шохмак Аҳмадович адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган диний лавозимга сайланганлиги сабабли адвокатлик мақоми амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 131-моддасига биноан мазкур иш даврига тўғрисида.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 21.06.2016 йилдаги 190-ш/т-А-сонли бўйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "AL-ODIL HUQUQIY HIZMAT" адвокатлик фирмаси адвокати Шарипова Шахноза Шариповнага бошқарма томонидан 13.04.2015 йилда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчига қадар бўлган давргача тўғрисида.

Фаргона вилоят Ҳўжалик судининг 2016 йил 1 июндаги ҳал қилува қарорига асосан Марғилон шаҳар, Муштақиллик қўчаси 450-6-ўйда жойлашган "Mar-advokat huquq" адвокатлик бороси (гувоҳнома FE №000088, 22.10.2012 й) фаолиятни тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги Қонуннинг 28-банди ҳамда Қоралланган Республикаси Ҳўжалик судининг 2016 йил 17 июндаги 23-1604/5735-сонли ҳал қилува қарори икросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 2016 йил 24 июндаги 183-ум-сонли бўйруғига асосан Қоралланган Республикаси Адлия вазирлигининг 2011 йил 23 февралда 54-сон билан давлат рўйхатига олишнинг Нукус шаҳри, Бахт кўчаси, 37-ўйда жойлашган "UMIT SALABAT" адвокатлик бороси (STIR-207112280) давлат рўйхатидан чиқарилиди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 4 июлдаги бўйруғига асосан "Ҳақиқат мезони" адвокатлик фирмасининг адвокати Бабаев Маруфга 2009 йил 5 майда берилган SI 000023 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми тўғрисида.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 22 июндаги 215-ум-сонли бўйруғига асосан Андижон шаҳридаги "Андижон" адвокатлар хайъати адвокати Ревазов Бахтиёржон Усмоновичнинг адвокатлик мақоми ҳамда бошқарма томонидан 2009 йил 1 июнда берилган AN №000079-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши олти ойдан ошмаган муддатга тўғрисида.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 30 июндаги 266-ум-сонли бўйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "QUDAYDOR" ХАА адвокатлар хайъати кўзга тилинганлиги сабабли унинг номига бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000026-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми суд ҳукми қонуний кучга киргувчи қадар ёхуд ревалитация қилувчи асосларга биноан уни жамоний жавабгарликдан содда этиш тўғрисида қарор қабул қилингувчи қадар бўлган давргача тўғрисида.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 23 июндаги 254-ум-сонли бўйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "AMAN" адвокатлар хайъати ва адвокат Исмаилов Абдумуҳаммад Жўмакулович ўртасида тузилган меҳнат шартномаси беқор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонун 13-моддасига асосан (адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга оширилмайдиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилувчига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргувчига қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик мақоми тўғрисида.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 23 июндаги 255-ум-сонли бўйруғига асосан Каттакўрғон шаҳридаги "KATTAGOR HGO ON NIHOYA" адвокатлар хайъатининг адвокати Абду Саид Хўжабаيوفнага бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000121-сонли адвокатлик фаолияти бил

Детектив

Макр

Ҳикоя

Марция ўрнидан туриб эснадди-да, сигаретни шиша қулдоннинг тубига босиб ўчирди.

— Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Уйга қайтишим керак. Сенинг ёнингдан сира кетгим келмайди.

— Бугун эрим қартахонада покер ўйнайди дегандинг-ку.

— Уйга телефон қилиши мумкин. Баъзан у ҳаш-паш дегунча бир даста пул ютқазади-ю ҳуноб бўлиб уйга эрта қайтади. — ҳувон ҳўрсиниб жазманига тикилди. — Меҳмонхоналарда яширинча учрашиб юриш жонимга теғди.

— Яқинда бу муаммони ҳал қиламиз.

— Қандай қилиб?

Брюс Фарр Марциянинг жингалак сочини силади-да, қутидан сигарет олиб тутатди.

— Кейинги ойда мен ишлайдиган фирмада мол-мулкни рўйхатга олиш бошланади. Фирмамиз катта бўлса, сейфлардан чорак миллион доллар турадиган қимматбаҳо буюмларни ўмарганим дарров билинади.

— Шунча нарсга ўмарганимсан?

Брюс айёрона жимлайди.

— Оз-оздан ўғирлардим. Яқинда ҳисобласам, чорак миллионлик нарсани ўзлаштирибман. Шу пайтгача ҳеч ким сезгани йўқ. Аммо рўйхатга олиш бошланса, сирим фош бўлади. Ҳамма буюмларни аллақонан сотиб юборганман. Ишонсанг юз минг доллардан ортиқ пул тушди.

— Оз минг доллар... — хайратдан Марциянинг лаблари қийшайиб кетди.

— Оз мингдан кўпроқ, — деди Брюс мамнун жимлайиб. — Хар бир буюмининг номинал нарҳининг ярмига пулладим. Лекин энди бу бойликни узоқ вақт яширолмаймиз. Хорижа кетмасак қўлга тушишимиз аниқ, Марция.

— Тушунарли... лекин мен кўркаман...

— Ҳеч нарсасдан кўрқама. Америкадан бир амаллаб чиқиб олсак марра бизни...

Дунёда уч-тўрт минг долларга фукаролигини берадиган давлатлар кўп, ўша ёқларда ялди қилиб яшайми. Полиция бизнинг изимизни топмайди.

— Бу гаплар Марцияни тинчлатирмагач, Брюс уни баргига босиб овутокчи бўлди. Аёл аввал тексари ўғирлиди-да кейин унинг кўзига тик қаради.

— Мен полициядан кўраётганим йўқ, — Унда нимадан кўраясан?

— Эрим Райдан, — деди Марция нигоҳини олиб қочиб. — У бизни дунёнинг нариги чеккасидан бўлсам тоғиб олади. Патагония ёки Камбоджа фукароси бўламизми? — унга барибир. Чунки у бизни Америкага қайтариш учун ҳукуматга яллинади. У... — ҳажвонланганидан аёлнинг нафаси қайтиб кетди. — У икковимизнинг ўлдирди.

— Қўйсангчи жонгинам. Эринг бизларни тополмайди! Ахир...

— Сен уни билмайсан, — деди Марция бош чайқади.

— Билмаганим ҳам яхши.

— Сен эримнинг қанақа одамлигини билмайсан. Мен эса биламан. Рай мени шахсий мулк деб ҳисоблайди, кетишимга йўл қўймайди. Унинг танишлари орасида ҳеч нимадан кўрқмайдиган ашаддий жиноятчилик бор...

— Марция аламдан лабини тийлаб бир он жимиб қолди. — Агар Райнинг қанчалар ёвуз одам эканини билмаганимда, у билан аллақонан ажрашган бўлардим... У икковимизни хорижадан тинч қўймайди. Аввал мени кейин сени ўлдирди...

— Мен бунга йўл қўймайман, — Брюс севгилисини қўчиб, овута бошлади. — Сени ўзим ҳимоя қиламан.

— Сен уни тўтқотмайсан. Рай ҳеч нарсасдан тап тортмайди.

— Икковимиз эрингни ўлдирсак-чи, Марция?

Рай уларнинг келгуси ҳаётига таҳдид солаётган экан, уни ўлдирмадан бошқа илож йўлигини тушунган Брюс Марцияни ҳам шунга қўндира бошлади. Икковлари Америкадан кетмокчи эканлар, ҳамма муаммоларни шу ерда ҳал қилиб кетиш керак.

— Урашаётганимиздан бери нуқул эрингдан нолийсан. Сенга шунча йил азоб берган бу газандани йўқотиш вақти келди, азизам.

Узоқ кистовлардан кейин ниҳоят Марция Брюсининг таклифини ўйлаб қўришга рози бўлди.

— Сен бу ишга аралашмайсан, азизам. Эрингни менга қўйиб бер.

Марция бош иргаб ўрнидан турди.

— Шу пайтгача бирор марта қотиллик ҳақида ўйламаганим, — деди у. — Ҳаммаси шунча бошланарканда-а? Бизга ўхшаган иккита бечора муаммони ҳал қилишнинг бошқа йўлини тополмаса охири одам ўлдирдига мажбур бўларканда?

— Биз бечора эмасмиз, Марция. Бу иш аслида сен ўйлаганчалик қўрқинчли эмас. Бари изга тушиб кетайди ҳали.

— Мен таклифини яна бир ўйлаб қўрай, — деди аёл. — Ўйлаб қўришим керак.

Икки кундан кейин Марция Брюсга қўнғироқ қилди.

— Кеча Рай Парижга иккита авиачипта олибди. Ўн кундан кейин у мени олиб Францияга саёхатга кетмокчи. Паспортлар ҳам тайёр, уларни ўтган йили алмаштирганимиз. У билан саёхатга чиқишимни ўйласам, кўз олдим

қоронги бўлиб кетаяпти...

— Таклифимни ўйлаб қўрдингми?

— Ҳа, лекин телефонда гапиролмайман. Бугун кечга яқин учрашайлик.

— Қаерда, соат неча-да?

Марция учрашув жойи ва вақтини айтди. Кейин гўшакини қўйиб қўлларига қаради. Қўллари сира титрамаётганди. "Қизик", ўйлади у. "Бир одамнинг умрига зомин бўлишга тараддуллана-япману, ҳақиқдан асар ҳам йўқ. Инсон тақдирини ҳал қилиш шунчалик осон, деб ўйламаганим".

Уша куни кечга яқин Брюс Марцияни Рендольф-авенюдаги майхонада қутиб олди.

— Бу ерда гаплаша олмаимиз, — деди у севгилиснинг қўлидан ўшлаб.

— Бирга юрганимизни ҳеч ким кўрмаслиги керак. Машинам кўнанинг нариги томонида. Шахар бўйлаб айланамиз.

Клейборн-драйвдан ўтгач, улар шарҳа бўрилишди. Марция сигаретини ёқди ва Брюс ундан қандай қарорга келганини сўради.

— Сен айтган гапни эсдан чиқармокчи бўлиб юривдим, — деди Марция ҳўрсиниб. — Лекин кеча кечқурун Рай Европага кетамиз, деб қолди.

Францияда у билан уч ҳафта яшашга бардошим етмайди. Эримнинг гапидан кейин сенинг муҳдиш таклифинг ёдимга тушди...

— Уни ўлдирамиз дегандинг.

— Ҳа, шундай дегандим, — Брюс машинани йўлнинг четига чиқариб, тормоғи босди.

Аёл тамаки тутунини ичга тортиди.

— Мен розиман. Эримни ўлдирмадан бошқа иложимиз қолмади. Хорижа кетсак ҳам уни ўйлаб эмин-эркин яшолмайман. У барибир ортиқиндан боради.

Брюс севгилисига меҳр билан боқиб, унинг қўлини маҳкам сиқди.

— Балки мен ваҳимачидирман, — деди Марция ўзи билан ўзи гаплашгандай.

— Райдан ҳам, полициядан ҳам кўркаман. Лекин хорижада эримдан қочгандан кўра, полициядан қочган яхшироқ.

— Ҳўш, эрингни қандай ўлдирамиз?

Марция иккинчи сигаретни ёқди.

— Кеча кечқурун миямга галати фикр келди. Ҳам эримдан қўтулиш, ҳам хар қандай шубҳа-ғумонлардан халос бўлиш йўлини топдим. Адамшасам Рай икковларнинг буй-бастигидан дээрли тенг. Сенинг буйинг олти футу бир дюйм, шундайми?

— Тахминан шундай.

— Ана қўрдингми. Сен ундан ёшсан, келишсансан. Лекин бую вазнини бир хил. Шунки ўйлаб... э, бари хомхаёл!

— Давом эт.

— Бунақа қотиллик усулини теле-визорда кўрганман. Ҳуллас, битта ҳал ёзасан. Хатингда сени виждон азоби қийнаётганини, тунари улолмаётганини, фирмандан қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб, аллақонан уларни пуллаганини ёзасан. Пуллари қиморда ютқаздим, энди уларни қайтариш имкони йўқ, ўз жонимга қасд қилишдан бошқа чорам қолмади, дейсан.

— Мақсадингни тушунгайдиман.

Марция нигоҳини четга бурди.

— Аҳмоқона режа, тўғрими?

— Ҳеч ҳам-да. Сен тулқидий айёр экансан, азизам. Демак, биз Райни ўлдирамиз-да, полицияга унинг ўлигини менинг жасадимдай қилиб кўрсатамиз, шундайми?

Марция бош иргади.

— Шундай қилсак полиция ортиқиндан тушмайди. Эримни тунда тинчтирдим. Сен боғи хатни ёзиб, ўйингда қолдирасан-да, ярим кечаси бизларники келасан. Эшикни ўзим очаман. Райни улаётганида бошига ёстиқ босиб ўлдирамиз. Кейин жасадини машинага тақимиз...

— Машинани жарга итарамиз, — деди Брюс қувончдан қўзлари чақнаб.

— Ақлингга балли! Зўр режа тузибсан!

— Йўғ-э?

— Полиция менинг ўзимни ўлдирмокчилигим ҳақидаги хатини ўқийди, кейин жардан, портлаган машинанинг ичидан қўйган жасадини топади. Ҳуллас, Брюс ўз жонига қасд қилган, деган хулосага келишади. Қойилман, жонгинам.

Аёл жимлайди.

— Фирмадаги ҳамкасбларинг ҳам қайтиб сени безовта қилмайди, тўғрими?

— Хатда ҳамма пулни қиморда ютқаздим деб ёзаман. Мурдадан ким ҳам ҳақини талаб қиларди... Эринг гойиб бўлгач, полиция кейнорқ уни қидириш мумкин. Шунда унинг сен билан бирга Европага саёхатга кетгани маълум бўлади. Аслида эса унинг ўрнига мен кетаман. Эринг билан кўринишимиз ўхшаб. Ҳеч ким шубҳаланмайди. Паспортлар аллақонан тайёр, Париждаги меҳмонхонага бюурта берилган. Икковимиз саёхат дастурда ёзилган ҳамма шарҳларни мазага қилиб айланамиз. Кейин эса узоқроққа қочиб кетамиз. Полиция изимизни ҳам тополмайди. Парижга неча кундан кейин жўнамоқчисанлар?

— Кейинги ҳафта жума куни, — деди Марция маънос тортди. — Тонгда Нью-Йоркка учамиз. Эртаси куни Парижга қараб йўл оламиз.

— Яхши. Бўлмаса, Кейинги ҳафта пайшанба куни тунда уйингга бораман. Эринг уйкуга кетгач, пастга тушиб эшикни очасан. Райни ўлдиргач, бирга аэропортга жўнаймиз. Мен ўша куни



Лоуренс БЛОК,
Америка адиби

ҳалиги хатни ёзиб қолдириб лаш-лушларимни олволаман.

— Пулларничи?

— Уларниям оламан. Сен ҳам жомадонларингни тахтлаб, тайёр бўлиб тур.

— Шундай деб Брюс Марцияни қўчди.

— Сенинг ақли аёл эканингни билардим, лекин бунчалик доносан, деб ўйламовдим.

— Шу ишни эплай олармиканмиз?

— Хавотирланма, албатта, эплаймиз. Кўнлар жуда секин ўтарди. Ҳеч кимда шубҳа уйғотмаслик учун улар пайшанбага учрашмасликка қарор қилишди.

Марция унчалик хавотирланмаётган бўлса-да, кўнгли нотинч эди.

Чоршанба куни Брюс қўнғироқ қилиб эртага кечга яқин хатни ёзиб, пуллари машинага жойлаб шайланми туршини, Марция эри улағач, унга дарров сим қоқиши кераклигини тайинлади.

— Борганимда эшикни очсанг бўлди, — деди Брюс. — Қолганини менга қўйиб бер.

Сўнгги кун бир ойдек узоқ чўзилди. Марция Брюсга тонга яқин, соат тўртдан йиғирмата ўтганда қўнғироқ қилди. Хуштори дарров трубкани қўтарди.

— Ниятингдан қайтдингми деб хавотирлана бошлагандим, — деди у.

— Эрим кеч ухлади. Лекин ҳозир хуррак отаяпти.

— Беш дақиқада етиб бораман.

Брюсининг машинаси уйнинг ёнига келиб тўхтаган, Марция эшикни очди. Хуштори оёқ унда ичкарига кирди.

— Хатни айтганингдек қилиб ёзиб қолдирдим. Нарсаларим машинада.

— Пулчи?

— Пул ҳам юкхонадаги жомадонда.

— Жуда соз. Икковимиз бирга анча яйрадик, жонгинам.

Марциянинг сўнгги гапини Брюс эшитолмай қолди. Чунки кимдир орқа томондан бошига чўн қўвур билан тушурди. У инграшга ҳам мажолли етмай гўрсиллаб қулади.

— Хушданд кетди, — деди Рай До-нахью қўвурни четга қўйиб. — Бир зарб билан тинчтинди. Ташқарига қарачи ҳеч ким мўраламаяптимкан. Бизга гувоҳларнинг кераги йўқ.

Марция эшикни очиб ташқарига чиқди. Ҳамма ёқ жимжит. У тунги салқин хаводан қўкси тўлиб, мидриқиб нафас олди.

— Жазманингни машинасини орқа томонга бур, — деди Рай хотинига. — Шошмай тур, чўнтагидан машинанинг калитини олиб берай. — У полда ётган Брюсининг чўнтагидан бир шода калитини қичибди Марцияга узатди.

Аёл машинани уйнинг орқа эшигига яқин жойда тўхтатган, Рай Брюсни кўтариб олиб чиқиб машинага тикди-да, ўзи рулга ўтирди.

— Сен бизнинг машинасини ҳайдаб ортиқдан борасан, — деди у Марцияга.

— Мен 32-йўл бўйлаб шимолга буриланман. Тахминан бир-бир ярим милдан кейин йўл жарлик лабидан ўтади. Уни ўша ерда машинаси билан ағдарамиз.

— Машина ёниб кетгач, жасади Брюсники эканлигини полиция аниқлай олмасачи?

— Хавотирланма. Ҳозир тишларнинг рентген сурати орқали хар қандай одамнинг шахсини аниқлаш мумкин. Хушторинг буни билмагани яхши бўлди.

— Бойқуш жуда гўл одам эди.

— У ҳақида ўтган замонда гапиршга ҳали эрта, — деди Рай жимлайиб.

— Брюс ҳали тирик.

Марция эрининг ортидан машинасини ҳайдаб жарнинг ёқасида тормоғи босди. Рай Брюсининг машинасидан чиқиб юкхонадан пул солинган жомадонни олди-да, гумон уйғотадиган бирор буюм қолмадимики, деб чалажон ошорининг чўнтагини тиктилди. Кейин уни рулга ўтказиб оёғини газ тепкисига қўйди.

— Алвидо, Брюс, — деди Марция беҳуш севгилиснинг кулоғига шивирлаб. — Қанчалик зерикарли хуштор бўлганингни билсанг эди.

Рай жарга қараб итаргач, машина ёғоч тўсиқни бузиб ўтиб ҳавода бир сония муаллақ қоти-да гўмбурлаб пастга қулади ва ёниб кетди.

Эр-хотин пул солинган жомадонни олиб ўларнинг машинасига ўтиришди ва уйга қайтишди.

— Лақма севгилиндан ҳам қутулди, — деди Рай мийғида қилиб. — Нью-Йоркка учушимизга ҳали икки соат бор. У ёғи Париж!

— Париж! — Кўнгли шодликка тўлиб энтикди Марция. — Бу сафар Парижда мазага қилиб яшашга бемалол пулимиз етади.

У шундай деб қўлларига қаради. Қўллари сира титрамаётганди. "Қандай доворак аёлман-а?" ўйлади у ва юзига майин табассум югурди.

Рус тилидан А.ОТАБОВ
таржимаси



Тадбиркорларнинг ишончли таянчи

МАМЛАКАТИМИЗ иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги **"Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони-нинг қабул қилиниши айна соҳада изчил амалга оширилаётган ислохотларни яна бир поғона юқорига қўтарди. Бунинг натижасида ишбилармонлик йўлини танлаган ёшлар сафи ҳам кенгаймоқда.



Айтиш жоизки, мазкур жараёнда банк-молия муассасалари тизими ҳам фаол иштирок этмоқда. Жойларда банкларни ўзларининг яқин қўмақчиси ва суяничи деб билган тадбиркорлар имтиёзли кредитлар эвазига қўзлаган мақсадларига эришмоқдалар. Бунга "Асак" акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиалининг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, миқозлар билан ишлаш борасидаги илгор тажрибалари мисолида ҳам қўриш мумкин.

Банк филиали билан вилоятдаги қўшма корхоналар, маҳаллий тадбиркорлар, лизинг корхоналари ўртасида ишончли ҳамкорлик муҳити яратилган. Иқтисодиётнинг турли соҳалари учун ажратилган кредитлар миқдори ортигани сайин бугунга келиб муассаса ўзининг юзлаб доимий миқозларига эга бўлди.

Хусусан, кейинги йилларда филиал томонидан миқозлар учун замонавий шарт-шароитлар яратишга алоҳида аҳамият қаратилган. Ишбилармонлар учун алоҳида тадбиркорлар хонаси, пластик карталар билан ишлаш бўлимида миқозлар учун махсус қўтиш зали, аҳолининг коммунал тўловларини амалга оширишлари учун махсус ходимлар бириктирилганлиги, нафақа олишга келувчи пенсионерлар учун қишқи ва ёғзи дам олиш жойлари шулар ҳисобидан. Бу каби эътибор тўғрисида аҳолининг банкка бўлган ишончи ортиб бормоқда.

Масалан, 2016 йилнинг 1 июль ҳолатига кредит портфели ҳажми қарийб 84,0 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Унинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлардан иборатдир. Жорий йил биринчи ярми давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 26,7 миллиард сўм миқдоридеда кредитлар ажратилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 бараварга кўпдир.

Республикадаги узумчиликни ривожлантириш, мавжуд узумзорларнинг унумдорлигини ошириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган эди. Айтиш жоизки, "Асак" банк томонидан мазкур соҳани ривожлантириш борасида дадил қадамлар ташланди.

Жумладан, банк филиали томонидан ҳам узумчиликка ихтисослашган агрофирмалар ҳамда фермер хўжаликлари учун 5 турдаги кредитлар таклиф этилмоқда. Айна пайтда мазкур йўналиш бўйича Андижон, Балиқчи, Бўз, Избоскан, Пахтабод ва Улугнор туманларидаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатилаётган бўлса, келажакда хизмат қамрови янада кенгайтирилиши режалаштирилган.

Йилнинг айна даврига қадар узумчиликни ривожлантириш мақсадида 24 нафар кичик бизнес субъектига 7,5 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредитлар ажратилди. Миқозлар узоқ муддатга берилган маблағлардан соҳага доир техника ва технологиялар сотиб олиш, замонавий совутиш камералари қўриш мақсадларига фойдаланмоқда.

— "Асак" банк биз каби қишлоқ мулкдорларини доимий қўллаб-қувватлаб, режалаштирган лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ этишда яқиндан қўмақ бераётганидан хурсандимиз, — дейди Балиқчи туманидаги **"Садаф ниҳили" фермер хўжалиги раҳбари Ҳалимжон Каримов**. — Хўжалигимиз узоқ йиллардан бери "Асак" банк миқозидир. Фермер хўжалигимиз узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган бўлиб, 22,1 гектар ер майдонига эга. Боғдорчилик узумининг "Ризамат ота", "Хусайни" сингари навларини юқори агротехник қондалар асосида парвартишлаб, олма, гилос, анор меваларидан сифатли ҳосил етиштиришга ҳам эришмоқда. Бундан ташқари, фермер хўжалигимизни кўп тармокчилик асосида ривожлантириш мақсадида йўлақларга ётқизиш учун 8 турдаги замонавий брусчаткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Хўжалигимиз аъзолари билан бамаслаҳат тарзда фаолиятимизни кенгайтириш

ни ва интенсив технологияга асосланган янги тоқзорлар барпо этишни ният қилдик. Бунда "Асак" банкка муносабат аҳамиятда, муассаса мутахассислари бизни қўллаб-қувватлаб, кредит ажратилишига яқиндан ёрдам берди. Ушбу молиявий мадад тўғрисида фаолиятимизни бугунги кун талаблари асосида ташкил этаёلمиз. Энг муҳими, бунинг натижасида маҳалламиз ёшлари учун 10 та қўшимча янги иш ўрни яратилди. "Асак" банк кредитлари биз каби тадбиркорлик йўлини тутганларга имкониятлар эшигини очмоқда. Уларнинг ёрдами билан мулкдор бўлиб, жамиятда ўз ўрнини топаёلمиз. Шунинг учун ҳам банк хизматидан қўнғилимиз тўқ.